

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚАДАҲ СЎЗИ НУТҚИЙ ЖАНРИНИНГ МАТНИЙ ИФОДАЛАНИШИ

*Anorboyeva M.S.*

*Андижон давлат тиллар институти*

*e-mail: [anorboyeva72@jmail.com](mailto:anorboyeva72@jmail.com)*

### Аннотация

Ҳар қандай тил тизимида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-расмий, ижтимоий-маиший тадбирларда қадах воситасида тилак айтиш қолипи энг оммалашган турдир. Адресантинг хоҳиш истагига кўра баъзан ижтимоий+сиёсий, ижтимоий-расмий, ижтимоий маиший тадбирларда қадах воситасида тилак айтиш матни мақтов, ҳалқ мақоллари, айтимлар, шеър, ҳикматли сўзлар, дуо, қисқа ҳикоя, юмор, кулгу, ҳазил, кулгу уйғотувчи турли воқеаларни айтиш, ўткир танқид қилиш, сўзловчи ва тингловчи билан боғлиқ хронологик тартибдаги воқеаларни айтиш, адресатни шарафлаш ва улуғлаш каби нутқий актлар орқали ҳам кенгайтирилиши мумкин. Ушбу хусусиятларини инобатга олганда қадах сўзи нутқий жанрининг қисқа ва кенгайтирилган матний шакллари юзага келади.

**Kalit so'zlar:** расмий-сиёсийб услуб, қадах сўзлари, стандарт матний қолип, монологик расмий услуб, мақтов, тилак, табрик, шарафлаш, нутқий акт.

Инглиз тилида қадах сўзи матни услубий хусусиятларга кўра тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган шаклда намоён бўлади. Қадах сўзи тўлиқ шаклда намоён бўлиши унда кириш, асосий ва якуний қисмининг мавжудлиги билан характерланади. Одатда расмий-сиёсий услубдаги қадах сўзлари стандарт матний қолипдаги оғзаки нутқда ифодаланувчи қадах сўзларидир. Масалан, монологик расмий услубдаги Қиролича Елизаветанинг қадах сўзи<sup>1</sup> намунаси:

### Кириш: адресантга йўналтирилган эътироф:

"It is a privilege for any mother to be able to propose a toast to her son on his 70th birthday," Her Majesty said. "It means that you have lived long enough to see your child grow up. It is rather like—to use an analogy I am certain will find favor—planting a tree and being able to watch it grow.

My mother saw me turn 70, of course. And she was heard to observe that 70 is exactly the age when the number of candles on your cake finally exceeds the amount of breath you have to blow them out.

<sup>1</sup> [Read the Full Transcript of Queen Elizabeth's Toast to Her Son Prince Charles on His 70th Birthday \(townandcountrymag.com\)](http://townandcountrymag.com)

**Асосий қисм: адресатга йўналтирилган мақтов:** Over his 70 years, Philip and I have seen Charles become a champion of conservation and the arts, a great charitable leader—a dedicated and respected heir to the throne to stand comparison with any in history—and a wonderful father.

Most of all, sustained by his wife Camilla, he is his own man, passionate and creative.

**Табрик:** So this toast is to wish a happy birthday to my son, in every respect a duchy original.

**Яқуний қисм: адресатни олқишлаш, шарафлаш, қадахга таклиф:** To you Charles. To the Prince of Wales."

Ушбу матндан кўринадики, кириш қисмида қадахга таклиф орқали тарихий воқеалар кетма-кетлигига урғу бериш, асосий қисмида мақтов, тилак, табрик ва яқуний қисмида шарафлаш нутқий акти юзага келмоқда. Ушбу қадах сўзи шарафлаш, улуғлаш характериға эға бўлиб, табрик мазмунидаги қадах сўзи турини келтириб чиқармоқда.

Расмий-сиёсий қадах сўзи диалогик шаклда, оғаки нутқда ифодаланганда унинг матни гиперматн хажмида бир нечта макроматндан иборат бўлади. Масалан, Қиролича Елизаветанинг расмий нутқи:

#### **1-макроматн:**

**Кириш: мурожаат:** Mr President<sup>2</sup>, I am delighted to welcome you and Mrs Trump to Buckingham Palace this evening, just twelve months after our first meeting at Windsor. Visits by American Presidents always remind us of the close and longstanding friendship between the United Kingdom and the United States, and I am so glad that we have another opportunity to demonstrate the immense importance that both our countries attach to our relationship.

**Асосий қисм: эътироф, муносабатлар сарҳисоби:** In the coming days, you will see some of our most treasured historical buildings, speak to the business leaders whose expertise and innovation drive our economies, and meet members of our Armed Services, past and present. You will also travel to Portsmouth and Normandy to commemorate the 75th Anniversary of D-Day.

On that day – and on many occasions since – the Armed Forces of both our countries fought side-by-side to defend our cherished values of liberty and democracy. Mr President, in your State of the Union Address this year, you paid tribute to some of the American heroes who risked their lives, and we owe an immeasurable debt to the British, American and Allied soldiers who began the liberation of Europe on 6th June 1944.

<sup>2</sup> [The Queen's speech at the US State Banquet | The Royal Family](https://www.royal.gov.uk/the-queen-s-speech-at-the-us-state-banquet)

I paid my first State Visit to your country at the invitation of President Eisenhower. As Supreme Allied Commander, he had ultimate responsibility for the execution of the Normandy landings. In his headquarters in St James's Square – not far from Buckingham Palace – British and American officers worked closely together to plan the freedom of a continent, and it would be no exaggeration to say that millions of lives depended on their common endeavour.

As we face the new challenges of the Twenty First Century, the anniversary of D-Day reminds us of all that our countries have achieved together. After the shared sacrifices of the Second World War, Britain and the United States worked with other allies to build an assembly of international institutions, to ensure that the horrors of conflict would never be repeated. While the world has changed, we are forever mindful of the original purpose of these structures: nations working together to safeguard a hard won peace.

Of course, it is not only our security which unites us; but our strong cultural links and shared heritage. Every year, there are almost four million visits by Americans to the United Kingdom, with a great number claiming British descent. And with your own Scottish ancestry, Mr President, you too have a particular connection to this country.

We are also bound by the strength and breadth of our economic ties, as the largest investors in each other's economies. British companies in the United States employ over one million Americans, and the same is true vice versa.

Mr President, as we look to the future, I am confident that our common values and shared interests will continue to unite us. Tonight we celebrate an alliance that has helped to ensure the safety and prosperity of both our peoples for decades, and which I believe will endure for many years to come.

**Якуний қисм: мурожаат:** Ladies and Gentlemen,

**Қадаҳга таклиф+тилак:** I invite you all to rise and drink a toast to President and Mrs Trump, to the continued friendship between our two nations, and to the health, prosperity and happiness of the people of the United States.

АҚШ президенти Д.Трамп нутқи:

**2-мақроматн:**

**Кириш: мурожаат:** Your Majesty,

**Миннатдорчилик изҳор қилиш:** Melania and I are profoundly honored to be your guests for this historic State Visit. Thank you for your warm welcome, for this beautiful weather — (laughter) — your gracious hospitality, and Your Majesty's nearly seven decades of treasured friendship with the United States of America.

**Асосий қисм: эътироф, муносабатлар сарҳисоби:** This week, we commemorate a mighty endeavor of righteous nations and one of the greatest undertakings in all of history. Seventy-five years ago, more than 150,000 Allied troops

were preparing on this island to parachute into France, storm the beaches of Normandy, and win back our civilization.

As Her Majesty remembers, the British people had hoped and prayed and fought for this day for nearly five years.

When Britain stood alone during the Blitz of 1940 and 1941, the Nazi war machine dropped thousands of bombs on this country and right on this magnificent city. Buckingham Palace alone was bombed on 16 separate occasions.

In that dark hour, the people of this nation showed the world what it means to be British. They cleared wreckage from the streets, displayed the Union Jack from their shattered homes, and kept fighting on to victory. They only wanted victory.

The courage of the United Kingdom's sons and daughters ensured that your destiny would always remain in your own hands.

Through it all, the Royal Family was the resolute face of the Commonwealth's unwavering solidarity.

In April of 1945, newspapers featured a picture of the Queen Mother visiting the women's branch of the Army, watching a young woman repair a military truck engine. That young mechanic was the future Queen — that great, great woman. Her Majesty inspired her compatriots in that fight to support the troops, defend her homeland, and defeat the enemy at all cost.

We also pay tribute to Prince Philip's distinguished and valiant service in the Royal Navy during the Second World War.

On D-Day, the Queen's beloved father King George the Sixth delivered a stirring national address. That day, he said, "After nearly five years of toil and suffering, we must renew that crusading impulse on which we entered the war and met its darkest hour...Our fight is against evil and for a world in which goodness and honor may be the foundation of the life of men in every land."

This evening, we thank God for the brave sons of the United Kingdom and the United States who defeated the Nazis and the Nazi regime, and liberated millions from tyranny.

The bond between our nations was forever sealed in that "Great Crusade." As we honor our shared victory and heritage, we affirm the common values that will unite us long into the future: freedom, sovereignty, self-determination, the rule of law, and reverence for the rights given to us by Almighty God.

From the Second World War to today, Her Majesty has stood as a constant symbol of these priceless traditions. She has embodied the spirit of dignity, duty, and patriotism that beats proudly in every British heart.

**Якуний қисм: қадағга таклиф+тилак+миннатдорчилик:** On behalf of all Americans, I offer a toast to the eternal friendship of our people, the vitality of our



nations, and to the long, cherished, and truly remarkable reign of Her Majesty the Queen. Thank you<sup>3</sup>.

Кўринадики, диалогик шаклдаги расмий-сиёсий қадаҳ сўзи икки макроматндан иборат гиперматн шаклидаги қадаҳ сўзидир. Гиперматн шаклидаги қадаҳ сўзи нутқида қиролича нутқи 1 макроматнни ташкил қилади. Қиролича нутқидаги қадаҳ нутқи кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлиб, макроматннинг кириш қисмида адресатга мурожаат ва миннатдорчилик билдириш, асосий қисмида эса махсус эътироф, муносабатлар таҳлили, муносабатлар сарҳисоби каби, якуний қисмида эса барча адресатларга мурожаат, қадаҳга таклиф ва тилак нутқий актларидан иборат. Шуни айтиш керакки, расмий-сиёсий услубдаги қадаҳ сўзларида адресатларнинг бирламчи ва иккиламчи адресатлар иштироки мавжуд. Шу сабабли ҳам қиролича нутқининг кириш қисмида бирламчи адресатга мурожаати **Mr President** жумласи орқали ифодаланган. Нутқининг якуний қисмидаги мурожаатда эса иккиламчи адресатларга мурожаати **Ladies and Gentlemen** жумласи орқали ўз ифодасини топган. Диалогик шаклдаги қадаҳ сўзининг 2-макроматни Америка президенти Трамп нутқидан иборат. Ушбу нутқ ҳам расмий жиҳатдан кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат. Унинг кириш қисмида бирламчи адресатга мурожаат, бирламчи адресатга миннатдорчилик билдириш, асосий қисмида эса эътироф, муносабатлар сарҳисоби, якуний қисмида эса қадаҳга таклиф, тилак, миннатдорчилик билдириш нутқий актлари иштирок этади. Шуни айтиш керакки, диалогик нутқда ифодаланган қадаҳ сўзларида мезбон ва меҳмон муносабатлари мавжуд бўлиб, мезбон тараф қадаҳ нутқини бошлаб беради, меҳмон эса ушбу нутқни давом эттиради. Шу сабабли ҳам мезбон нутқида иккиламчи адресатларга алоҳида мурожаат қилинмайди. Умумий ҳолатда қадаҳга таклиф қилинади.

Расмий-сиёсий қадаҳ сўзи нутқий жанрининг матний таҳлили шуни кўрсатадики, расмий-сиёсий қадаҳ сўзлари оғзаки нутқда, монологик ва диалогик шаклда ифодаланиш хусусиятига эга. Қадаҳ сўзи монологик шаклда ифодаланганда расмий-сиёсий нутқининг кириш қисмида адресантга йўналтирилган эътироф, асосий қисмида адресатга йўналтирилган мақтов, табрик, якуний қисмида адресатни олқишлаш, шарафлаш, қадаҳга таклиф каби нутқий актлар иштирок этади. Қадаҳ сўзи диалогик шаклда ифодаланганда эса матн гиперматн хажмига эга бўлиб, 2 ёки ундан ортиқ макроматнлардан ташкил топади. Бунда ҳар бир макроматнда кириш, асосий ва якуний қисмлар мавжуд бўлади.

<sup>3</sup> [Donald Trump – 2019 Speech During State Visit to the UK – UKPOL.CO.UK](http://www.ukpol.co.uk)

Шуни айтиш керакки, ижтимоий расмий тадбирларда айтиладиган расмий қадах сўзлари ҳам баъзан стандарт қолипчи тўлиқ шаклдаги оғзаки нутқда ифодаланувчи қадах сўзи матнидан, баъзан эса ўзгарувчан қолипчи тўлиқ бўлмаган қадах сўзи матнидан иборат бўлиши мумкин. ижтимоий расмий тадбирларда қўлланилувчи стандарт қолипчи қадах сўзлари расмий усулда ифодаланса, бундай ҳолларда қадах сўзи нутқий жанрининг кириш, асосий ва якуний қисмларининг барчаси иштирок этади. Масалан,

А) Кириш: I propose a toast to our newly – weds!

Асосий қисм: May the memory of this day become dearer to you with each passing year and may there be a generation of children of your children!

Якуний қисм: To you!

б) Кириш: Let us raise a toast to the husband and wife!

Асосий қисм: May they remain lovers for life!

Якуний қисм: Cheers!

Кўринадики, стандарт шаклдаги қадах сўзи кириш қисмида қадахга таклиф, асосий қисмида мақтов, тилак, табрик, якуний қисмида эса шарафлаш кетма-кетлиги мавжуд. Аксарият ҳолларда расмий қадах сўзини бошлаш, яъни кириш қисмида қуйидаги қолиплардан фойдаланилади:

I should like to propose a toast to your well-being and very good health. I would like to propose a toast....

**Let's a raise a glass to.....**

**I'd like you all to join me in toasting the happy couple.....**

**I'd like to congratulate you on this important event.....** Расмий қадах сўзларининг кириш қисмида мурожаат мавжуд. Масалан, “Dear guests!”, “Dear newlyweds!”, “Friends!” etc. Расмий қадах сўзларининг асосий қисмида эса, асосан, тилак нутқий акти иштирок этади. Масалан, **May God help you! God bless you!, May God bless you!, May the guardian angel guide you!, May God Prosper you!, Bless you!, Let the Lord turn to you!,**

Расмий қадах сўзларининг якуний қисми шарафлаш, олқишлаш нутқий актлари асосида амалга оширилади. Масалан, “Salve!”, “to love!”, “to health!”, “To happiness!”, “to friendship!” etc. Кўринадики, стандарт қолипчи қадах сўзлари кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлиб, кириш қисмида мурожаат ва қадахга таклиф, тарихий воқеалар кетма-кетлигига урғу бериш, эътироф этиш, асосий қисмида тилак, мақтов, табрик, якуний қисмида эса олқишлаш, шарафлаш каби нутқий актлар фаол иштирок этади.

Ўзгарувчан хусусиятга эга тўлиқ бўлмаган қадах сўзи матни қолипчининг ўзига хослиги шундаки, ушбу қолипдаги қадах нутқи матнида кириш қисм иштироки мажбурий бўлмай, асосий ва якуний қисмлар фаоллашади. Ўзгарувчан қолипчи қадах сўзи нутқий жанрида сўзловчи адресант

стандарт қолипли қадах сўзининг айрим қисмларидан фойдаланиб, қадах нутқи матнини шакллантиради. Сўзлашув нутқида ўзгарувчан қолипли қадах сўзи матнини шартли равишда қуйидаги энг оммалашган қолиплар асосида шаклланади, деб ҳисоблаш мумкин:

1) **Here`s to қолипли қадах сўзлари.** Ушбу турдаги қадах сўзида қадахга таклиф ва тилак қисмларгина иштирок этади. Масалан,

Here`s to the groom with the bride so fair, and here`s to the bride with the groom so rare! Let all your troubles be little ones! – Health and a long life to you

2) **To+smb қолипли қадах сўзлари.** Ушбу турдаги қадах сўзида қадахга таклиф+мақтов-эътироф каби нутқий актлар иштирок этади:

To our dear departed friend - Oliver Herford was right: "Only the good die young."<sup>4</sup>

3) **May+smb/smith қолипли қадах сўзлари.** Ушбу турдаги қадах сўзида фақатгина тилак ва дуо нутқий актлари мавжуд бўлади. Масалан, May every hair on your head turn into a candle to light your way to heaven, and may God and his Holy Mother take the harm of the years away from you.

4) **Фалсафий фикрдан иборат қолипли қадах сўзлари.** Ушбу турдаги қадах сўзида машҳур кишилар нутқидан цитата келтириш ёхуд фалсафий фикрлар айтиш етакчилик қилади. Масалан, "Old wood to burn, old wine to drink, old friends to trust, and old authors to read." -Francis Bacon

5) **Буйруқ гап қолипли қадах сўзлари.** Ушбу турдаги қадах сўзлари буйруқ гаплар орқали тилак айтишни, ундашни англатади. "Take everything in moderation, including moderation." ва ҳоказолар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-маиший тадбирларда ва сўзлашув нутқида кенг қўлланилувчи ўзгарувчан қолипли қадах сўзи матнида стандарт қолипли қадах сўзи матнидаги барча қисмлар иштирок этмайди, стандарт қолипли қадах сўзи матнининг айрим қисмлари ёхуд айрим қисмларнинг кетма-кет келиши кузатилади. Айниқса, кириш қисми тушиб қолдирилади. Баъзан асосий, баъзан якуний қисмлар етакчилик қилади. Ушбу хусусиятларини ҳисобга олиб қадах сўзи матнини икки турини фарқлаш мумкин, яъни тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган қадах сўзи матнлари. Демак, тўлиқ шаклдаги қадах сўзи стандарт матний шаклда кириш, асосий ва якуний қисмлардан, тўлиқ бўлмаган қадах сўзи эса ўзгарувчан матний шаклда асосий ёки якуний қисм элементларидан ташкил топади.

<sup>4</sup> [Departed Toasts | Toasts and Toasting Etiquette | Etiquette Scholar](#)